

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

**Ўзбекистон узлуксиз таълимнинг
Давлат таълим стандартлари**

Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти

**5340600 – Транспорт иншоотларининг эксплуатацияси (темир йўллар)
бакалавриат таълим йўналишининг давлат таълим стандарти**

Расмий нашр

ГОСУДАРСТВЕННЫЙ СТАНДАРТ УЗБЕКИСТАНА

**Государственные образовательные стандарты
непрерывного образования Узбекистана**

Государственный образовательный стандарт высшего образования

**Государственный образовательный стандарт направления образования
бакалавриата 5340600 – Эксплуатация транспортных сооружений
(железные дороги)**

Издание официальное

**Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги**

Тошкент

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

Ўзбекистон узлуксиз таълимнинг
давлат таълим стандартлари

Олий таълимнинг давлат таълим стандарти

5340600 – Транспорт иншоотларининг эксплуатацияси (темир йўллар)
бакалавриат таълим йўналишининг давлат таълим стандарти

Расмий нашр

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги

Тошкент

СҮЗ БОШИ

1 ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълим мини Ривожлантириш маркази;
- Тошкент темир йўл мухандислари институти.

2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2014 йил «10» март даги 84 - сонли бўйруги.

3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги.

4. ИЛК БОР КИРИТИЛГАН.

Мазкур стандарт Ўзбекистон Республикаси худудида амалга киритилиши (амал қилишининг тўхтатилиши) ва унга ўзгартиришилар киритилиши тўғрисидаги маълумотлар «Ўстандарт» агентлиги томонидан нашр этилувчи кўрсаткичларда чоп этилади.

Мазкур стандартни Ўзбекистон Республикаси худудида расмий чоп этиш хукуки Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тегишилдири

МУНДАРИЖА

	Бет
Т/р 1 Давлат таълим стандартини ишлаб чиқиши асослари	1
2 Кўлланилиш соҳаси	2
3 Атамалар, таърифлар, қисқартмалар	3
4 Таълим йўналишининг тавсифи	3
5 5340600 – Транспорт иншоотларининг эксплуатацияси (темир ўйлар) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг тавсифи.....	4
6 Бакалаврининг тайёргарлик даражасига кўйиладиган талаблар	5
7 Таълим дастурларининг мазмуни ва компонентлари	17
8 Бакалавриатнинг таълим дастурларини ўзлаштириш бўйича амалга ошириладиган шароитларга белгиланган талаблар	27
8.1 Бакалавриатнинг таълим дастурлари ўзлаштирилишига белгиланган умумий талаблар	27
8.2 Таълим дастурларининг тадбиқ этилиши	28
8.3 Малакавий амалиётларни ташкил этиш талаблари	29
8.4 Ўкув жараёнини педагогик кадрлар билан таъминлаш бўйича талаблар	30
8.5 Таълим жараёнини ўкув-услубий ва ахборот ресурслари билан таъминлаш талаблари	30
8.6 Ўкув жараёнининг моддий-техник базаси бўйича талаблар	31
9 Бакалавр тайёрлаш сифати ва олий таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш	31
10 Эслатма	32
11 Давлат таълим стандартининг амал килиши муддати	32
12 Илова	33
13 Библиографик маълумотлар	34
14 Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари хамда кадрлар истеъмолчилари	35

III

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

**Ўзбекистон узлуксиз таълимнинг
давлат таълим стандартлари**
Олий таълимнинг давлат таълим стандарти
5340600 – Транспорт иншоотларининг эксплуатацияси
*(темир йўллар) бакалавриат таълим йўналишининг давлат таълим
стандарти*

**Государственные образовательные стандарты
непрерывного образования Узбекистана**

Государственный образовательный стандарт высшего образования
Государственный образовательный стандарт направления образования
бакалавриата 5340600 – Эксплуатация транспортных сооружений
(железные дороги)

State Educational Standards of Continuous Education of Uzbekistan

State Educational Standards of Higher Education

State Educational Standard on the level of bachelors of 5340600 – *Exploitation of transport structures (railways)*

Амал килиниши 27 » 09 2014 йилдан

1. Давлат таълим стандартини ишлаб чиқиш асослари

Мазкур таълим йўналиши бўйича давлат таълим стандартини ишлаб чиқишида куйидаги хуҷжатларга асосланилди:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Конуни. Тошкент, 1997 й., 29 август №463-1.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури». Тошкент, 1997 й., 29 август №463-1.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги «Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида»ги 5-сонли Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 343-сонли Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2004 йил 20 июлядаги 341-сонли Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сонли Қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2011 йил 18 июлдаги «Янгиланган «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»ни ижро ва амалда фойдаланиш учун қабул килиш тўғрисида»ти 302-сонли бўйруги.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2012 йил 8 майдаги «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»га ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида»ти 190-сонли бўйруги.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2012 йил 4 июлдаги «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»га ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида»ти 281-сонли бўйруги.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2012 йил 14 ноябрдаги «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»га ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида»ти 446-сонли бўйруги.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2013 йил 14 майдаги «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»га ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида»ти 158-сонли бўйруги.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2012 йил 24 июлдаги ПФ-4456-сонли Фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида»ти ПК-1875-сонли Қарори.

2 Кўлланиш соҳаси

2.1 Олий таълимнинг ушбу давлат таълим стандарти (ОТ ДТС) **5340600 – Транспорт иншиотларининг эксплуатацияси (темир йўллар)** таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлашнинг таълим дастурлари ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси худудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмунини ифодалайди.

2.2. Олий таълим муассасаси мазкур таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда ДТС асосида таълим дастурларини амалга ошириш хукуқига эга деб хисобланади;

2.3. ОТ ДТСнинг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиши ва тайёргарлик даражаси бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини хисобга олган холда таълим дастурларини сифатли ишлаб чикиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъуллар – олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари;

- таълим йўналишининг таълим дастурларини ўзлаштириш бўйича ўкув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

- ўз ваколат доирасида битиравчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошкарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўкув бўлими боплиги, деканлар ва кафедра мудирлари);

- битиравчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

- олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;
- таълим йўналишини ихтиёрий танлаш хукукига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

3. Атамалар, таърифлар, кисқартмалар

Мазкур стандартда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўгрисида»ги Конуни, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда олий таълим соҳасидаги ҳалқаро ҳужжатларга мос равишда атамалар ва таърифлардан фойдаланилган:

касбий фаолият тури – таълим йўналишига ўзгартишлар киритиш мақсадида касбий фаолият объектига таъсир килишнинг усуслари, услублари ва тавсифи;

компетенция – тегишли соҳада касбий фаолият юритиш учун зарур бўлган билим, кўникма, малака ва шахсий сифатлар мажмуи;

модуль – тарбиялаш ва ўқитишга йўналтирилган мақсадлар ва натижаларга нисбатан муайян мантикий тугалланганинка эга бўлган ўкув фани (курси) ёки ўкув фанлари (курслари)нинг маълум бир кисми;

таълим йўналиши – таълим дастури бўйича олий таълим муассасаси битирувчиси томонидан згалланган ва бериладиган “бакалавр” академик даражаси доирасида касб фаолиятининг муайян турини бажаришни таъминловчи базавий ва фундаментал билимлар, укувлар ва кўникмалар мажмуаси;

касбий фаолият объекти – предметлар, вокеликлар, жараёнлар ва фаолият доирасида ҳаракатга йўналтирилган тизимлар;

касбий фаолият соҳаси – илмий, ижтимоий, иктисолий, ишлаб чиқаришда намоён бўладиган касбий фаолият объектларининг мажмуи;

бакалаврият - олий таълим йўналишларидан бири бўйича пухта билимлар берадиган, ўқиш муддати камида тўрт йил бўлган таянч олий таълим;

бакалавриятнинг таълим дастурлари (бакалаврият дастури) – ўкув фанларининг бакалаврият йўналишларига кўйиладиган малака талабларига мувофиқ кадрларнинг зарурий ва етарли даражадаги тайёргарлигини таъминловчи блокларга жамланган рўйхати;

ўкув-ўрганиш натижалари – ўзлаштирилган билимлар, амалий малакалар, кўникмалар мажмуи;

ДТС – Давлат таълим стандарти;

АРМ - ахборот ресурс маркази;

ИТИ - илмий тадқиқот институтлари;

ОТМ - олий таълим муассасаси.

4 Таълим йўналишининг тавсифи

4.1 5340600 – Транспорт иншоотларининг эксплуатацияси (темир йўллар) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг таълим дастури амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машгулотларини тўлик ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффакиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) берилади.

4.2 Таълим дастурининг меъёрий муддати мос малака(даражаси) 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Таълим дастурининг муддати ва битирувчиларининг малакаси

Таълим дастурининг номи	Малака (даражаси)	Таълим дастурини ўзлаштиришининг меъёрий муддати
Бакалавриятнинг таълим дастури	Бакалавр	4 йил

5. 5340600 – Транспорт иншоотларининг эксплуатацияси (темир йўллар) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг тавсифи

5.1 Бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳаси:

5340600 – Транспорт иншоотларининг эксплуатацияси (темир йўллар) - фан ва техника соҳасидаги йўналиш бўлиб, у ўз ичига темир йўл транспорти иншоотлардан фойдаланиш ва реконструкция қилишга йўналтирилган инсон фаолияти воситалари, усуллари ва услубларининг мажмусини ўз ичига олади.

Бакалаврларнинг касбий фаолияти куйидагиларни қамраб олади:

- муҳандислик қидибувлари, темир йўл транспорти иншоотларини лойиҳалош, барто қилиш, фойдаланиш, баҳолаш ва қайта қуриш;
- транспорт иншоотларининг эксплуатация жараёнларини таҳтил қилиш, оптималлаштириш усулларини кўллаш;
- темир йўл транспорти иншоотларини қурилиши ва эксплуатацияси учун машина, ускуналар ва технологияларни кўллаш.

5.2 Бакалаврларнинг касбий фаолияти объектлари

5340600 – Транспорт иншоотларининг эксплуатацияси (темир йўллар) таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий фаолиятининг объектлари- темир йўл транспорти, йўл хўжалиги ва метрополитен бошқармаси, темир йўл транспорти иншоотларида харакатни ташкиллаштириш, йўл хўжалиги хавфсизлик хизмати, темир йўл, кўприклар ва транспорт тоннелларидан фойдаланиш, ушбу объектларни информацион таъминлаш.

5.3 Бакалаврларнинг касбий фаолияти турлари

- илмий-тадқиқот;
 - ишлаб чиқариш;
 - ташкилий-бошқарув;
 - лойиҳавий-конструкторлик;
 - фойдаланиш ва сервис ҳизматини кўрсатиш
- ва шу кабиларни ўз ичига олади.

Бакалавр тайёрланадиган касбий фаолиятининг муайян турлари таълим жараёнининг манбаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

5.4. Касбий мослашув имкониятлари

Бакалавр педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан сўнг ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида маҳсус фанларни ўқитиши мумкин.

5.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари

5340600 – Транспорт иншоотларининг эксплуатацияси (темир йўллар) таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин кўйдаги:

- 5A340203 - Инфратузилма объектини қуриш (иншоотлар тури бўйича);
- 5A340601 – Темир йўлдан фойдаланиш ва темир йўл хўжалиги;
- 5A340602 – Автомобиль йўллари ва аэродромларни таъмирлаш ва саклаш;
- 5A340603 – Кўприклар ва транспорт тоннеллари эксплуатацияси магистратура мутахасислиги бўйича икки йўлдан кам бўлмаган муддатда ўкишни давом этириш мумкин.

Шунингдек, беш йиллик амалий иш стажига эга бўлган бакалавр ўрнатилган тартибда мустакил изланувчи сифатида ўкишни давом этириш мумкин.

6. Бакалаврнинг тайёргарлик даражасига кўйиладиган талаблар

6.1 5340600 – Транспорт иншоотларининг эксплуатацияси (темир йўллар) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига кўйиладиган умумий талаблар:

а) умумий талаблар:

-дунёкараш билан бодлик тизимли билимларга эга бўлиши, гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустакил тахлил кила олиши;

-Ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол гоясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи-назарга эга бўлиши;

-табиат ва жамиятда кечеётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши хамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;

-инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга, атроф мұхитта мұносабатини белгиловчи ҳуқуқий ва маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни қисобга ола билиши;

-ахборот йигиш, сақлаш, қайта ишлаш ва ундан фойдаланиш усусларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустакил асосланган қарорларни қабул қила олиши;

-тегишли бакалавриат йўналиши бўйича ракобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

-янги билимларни мустакил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

-соглом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тассаввур хамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниктириш қобилиятига эга бўлиши керак.

б) қасбий талаблар:

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- темир йўл транспорти иншоотларининг эксплуатация ишларини ташкил этиш ва бошқариш соҳасида бажариладиган илмий-текшириш ишларини бажаришда катнашиш;

- рационализаторлик ва ихтирочилик фаолиятни ривожлантириш бўйича ишни ташкил этиш;

- мавзу (топширик) бўйича илмий-техникавий маълумотларни йигиш, ишлов бериш, тахлил қилиш ва олинган маълумотларни тизимлаштиришда иштирок этиш;

- илмий-тадқиқот натижаларини ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этишда катнашиш қобилиятига эга бўлиши керак.

Ишлаб чиқариш фаолиятида:

- намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни кўллаш;

- темир йўл изини жорий сақлаш ва капитал таъмирлаш;

- мавжуд темир йўлларни қайта куриш ишларини ташкиллаштириш;

- темир йўл изини жорий ва капитал таъмирлашда машина ва механизmlардан самарали фойдаланиш;

- қасбий этика кодексига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши керак.

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

-ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;

-ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;

-ишлаб чиқариш жараёнларида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш механизммини ишлаб чиқариш ва мониторингини олиб бориши;

-қасбга оид муаммолар ечимларини амалиётта татбиқ этиш;

-ижроочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;

- фиклар хар хил бўлган шароитда бошқарув қарорларини кабул килиш;
- бирламчи ишлаб чиқариш звено ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш;
- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-мухит муҳофазаси, ёнгин, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторинг қилиш қобилиятига эга бўлиши керак.

Лойиҳавий-конструкторлик фаолиятида:

- транспорт иншоотларига хизмат кўрсатиш ва тъмирлаш ишларини бажариш учун бошлангич маълумотларини тўплашда мажмуавий қидирув ва ўлчаш ишларини бажариш;
- иншоотларни мустахкамлаш ва реновациялаш учун уларни техник ҳолатини текшириш ва боҳолаш;
- компьютер технологиялари ва автоматлаштирилган тизимлар ёрдамида иншоотларни тъмирлашни ташкил этиш ва лойиҳалаш ишларини бажара олиш;
- бажарилаётган тажриба-конструкторлик ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, информацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва тадқикот қилиш;
- лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;
- амалиётда темир йўл иншоотларининг эксплуатациясида ҳалқаро стандартлари услубларини, инструментал ва ҳисоблаш воситаларини тайёргарлик ихтисослигига мос равишда кўллаш қобилиятига эга бўлиши керак.

Фойдаланиш ва сервис хизматини кўрсатиш фаолиятида:

- транспорт иншоотларидан фойдаланиш, тъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатишни ташкил этиши;
- транспорт иншоотлари, конструкциялари ва асбоб-ускуналарининг техник ҳолатини текшириш ва қодик ресурсини баҳолаш;
- транспорт иншоотларига намунавий технологик жараёнларини ишлаб чиқиш ва кўллаш қобилиятига эга бўлиши;

6.2. Тълим дастурлари бўйича билим, малака ва кўнижмаларга қўйилган талаблар

6.2.1. Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар бўйича талаблар

Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар қисми бўйича талаблар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус тълим вазирлиги тасдиклаган ««Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар» блоки бўйича бакалаврлар тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйилган талаблар» асосида белгиланади.

6.2.2 Математик ва табиий-илмий фанлар бўйича талаблар

Математик коммуникатив курс

6.2.2.1. Олий математика фани бўйича

Бакалавр:

- математика дунёни билишнинг ўзига хос усули, унинг тушунчалари ва тасаввурларининг умумийлиги ҳақида тасаввурга эга бўлиши;
- обьектларнинг микдорий ва сифат нисбатларини ифодалаш учун математик символлардан фойдаланишни;
- математик таҳхил, аналитик геометрия, чизикли алгебра, комплекс ўзгарувчили функциялар назарияси элементлари, эҳтимоллар назарияси ва математик статистиканинг, дискрет математиканинг асосий тушунчалари ва услубларини;
- функционал ва ҳисоблаш масалаларини ечиш моделларини *билиши ва улардан фойдалана олиши;*
- алгебраик тенгламаларни аналитик ва сонли ечиш;
- оддий дифференциал тенгламаларни тадқиқ қилиш, уларни аналитик ва сонли ечиш;

– математик физиканинг асосий тенгламаларини аналитик ва сонли ечиш кўнижмаларига эга бўлиши лозим.

6.2.2.2. Информатика ва ахборот технологиялари фани бўйича:

Бакалавр:

- замонавий информатика ва ахборот технологиялари;
- ахборотларнинг ўлчов бирликлари;
- компьютернинг дастурий таъминоти;
- алгоритмлаш асослари;
- функционал ва ҳисоблаш масалаларини ечиш моделлари;
- юкори даражали дастурлаш тиллари;
- компьютер графикаси асослари ҳақида тасаввурга эга бўлиши;
- замонавий информатика ва ахборот технологияларини;
- ахборотларнинг ўлчов бирликларини;
- компьютернинг дастурий таъминотини;
- юкори даражали дастурлаш тилларини;
- компьютер графикаси асосларини билиши ва улардан фойдалана олиши;
- ахборотларни йигиш, саклаш, узатиш ва қайта ишлаш;
- ахборотни тўплаш, узатиш, қайта ишлаш ва жамғариш жараёнларидан фойдаланиш;
- ахборотларни алгоритмлаш ва дастурлаш;
- функционал ва ҳисоблаш масалаларини ечиш кўнижмаларга эга бўлиши керак.

6.2.2.3. Физика фани бўйича:

Бакалавр:

- механиканинг физик асослари, молекуляр физика ва термолдинамика, электр ва магнетизм, оптика, атом ва ядро физикаси, нисбийлик назарияси ҳақида тасаввурга эга бўлиши;
- классик механикада ҳолат тушунчаси, ҳаракат конунлари, сакланиш конунлари механик тебраниш ва тўлкинларни;
- молекуляр кинетик назария асослари, идеал ва реал газ ҳолати тенгламалари, иссиқлик алмашиниш жараёнлари, термодинамиканинг уч конунини;
- электростатика ва ўзгармас ток конунлари, электромагнетизм, электромагнит тебраниш ва тўлкинлар, ўзгарувчан ток конунларини;
- геометрик оптика, интерференция, дифракция, дисперсия ҳодисаларини;
- ёргулукнинг кутбланиши ҳамда ютилиши конунларини;
- атом тузилиши, квант физикаси элементларини, нисбийлик назарияси элементларини билиши ва улардан фойдалана олиши;
- физиковий моделларни таддик килиш;
- ишлаб чиқариш жараёнларида ва техниковий объектларда энг оддий физиковий тизимларнинг моделларидан фойдаланиш;
- физика фанининг турли бўлимларига характерли бўлган қийматларнинг сонли тартибини ўзлаш ва баҳолаш кўнижмаларига эга бўлиши керак.

6.2.2.4. Кимё фани бўйича:

Бакалавр:

- фанинг анерганик, аналитик, органик ва физиковий ва коллоид кимё бўлимлари мазмуни ва уларнинг қўлланиш услублари ҳақида тасаввурга эга бўлиши;
- анерганик кимё: элементлар даврий тизими, моддаларнинг кислота-асослик ва оксидланиш-кайтарилиш хусусиятлари, кимёвий бодганиш, комплементарлик, комплекс бирикмалар, элементлар кимёси, s-, p-, d- ва f- элементларни;
- аналитик кимё: сифат ва микдорий таҳдил, кимёвий таққослаш, аналитик сигнал, кимёвий, физик-кимёвий, физиковий таҳдилни;

– органик кимё: Бутлеровнинг тузилиш назарияси, органик моддаларнинг реакцион кобилияти, органик кимёда изомерланиш ва номланиш, ахборот таҳлил, кўзгу (оптик) изометрия, органик бирикмаларнинг асосий синфлари, терпенлар, стероидлар, каротиноидлар, липидлар, углеводлар, азот сакловчи бирикмалар, гетероциклик бирикмалар ва нуклеин кислоталар, олигомер ва полимерларни;

– физикавий ва коллоид кимё: модданинг агрегат ҳолати, кимёвий жараёнлар энергетикаси, эритмалар, дисперс тизимлар, кимёвий кинетика ва катализ, кимёвий ва фазовий мувозанат, электрокимё, коллоид кимёни *билиши ва улардан фойдалана олиши*;

– кимёвий жараёнларни таккослаш, биологик фаол органик бирикмалар таркибларини аниклаш *кўнижмаларига эга бўлиши керак*.

6.2.2.5. Назарий механика фани бўйича

Бакалавр:

– статика: статика аксиомалари, бир нуктада кесишувчи кучлар тизими, кинематика: нукта кинематикаси -нукта харакати берилишининг усуллари, нукта тезлиги ва тезланиши, динамика: нукта динамикаси, нукта харакатининг дифференциал тенгламалари *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;

статика аксиомалари, кесишувчи кучлар тизими, жуфт кучлар назарияси, куч моменти, эркин жойлашган кучлар тизимини;

нукта кинематикаси, нукта харакати берилишининг усуллари, нукта тезлиги ва тезланиши, нуктанинг мураккаб харакати, каттиқ жисм кинематикасини;

нукта динамикаси, инерцион ва ноинерцион хисоб тизимларида нукта харакатининг дифференциал тенгламалари, каттиқ жисм динамикаси, аналитик механика асослари механик тизимлар тебранишлари ва тургунилигини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;

– транспорт иншоотлари қисмларини ҳисоблашда статик, кинематик ва динамик масалалар ечишни амалда кўллаш *кўнижмаларига эга бўлиши керак*.

6.2.2.6. Экология фани бўйича

Бакалавр:

– биосфера ва инсон, табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, жамият ва табиат ўртасидаги муносабатнинг атроф-мухитга таъсири *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;

– биосферанинг тузилмаси, экологик тизимлар, экологик омиллар, экологик муҳит, организмларнинг ўзаро муносабати, экологик муҳит ва инсон саломатлиги, атроф-мухитнинг глобал, минтақавий ва маҳаллий муаммоларини;

– табиий ресурслардан рационал фойдаланиш асосларини ва атроф-мухит муҳофазасининг экологик тамойилларини;

– атроф-мухит соҳасидаги ҳалкаро ҳамкорликни *билиши ва улардан фойдалана олиши*;

– экологик ҳукуқ асослари ва қасбий масъулият, муҳандислик экологияси вазифаларини билиш, масалаларини ечиш ва ҳисботлар қабул қилиш *кўнижмаларига эга бўлиши лозим*.

6.2.3. Умумкаебий фанлар бўйича талаблар

6.2.3.1. Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси фани бўйича

Бакалавр:

– чизма геометрия, чизмачилик: фазовий шаклларни текислиқда тасвирлашнинг проекциялар методи;

– муҳандислик графикаси ва лойихалаш асослари;

– геометрик моделлаштириш асослари;

– проекциялар ва проекциялаш турлари, комплекс чизмалар;

– лойихалашда чизмалар чизишнинг замонавий автоматлаштирилган усуллари *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;

– нукта, тўғри чизик ва текисликларнинг ўзаро кесишувига оид масалаларни;

- масалани ечиш алгоритмларини;
- ўлчами аникланадиган (метрик) масалаларни;
- ортогонал проекцияларни қайта тузиш усуллари аксонометрик тасвиirlар, сиртлар, сиртдаги нүкталар ва чизиклар, сиртларнинг кесишуви;
- деталларнинг чизмалари ва эскизлари, чизма бўйича ўкиш ва деталлаштириши;
- ёйилма, ажralадиган ва ажralмайдиган биримларни;
- "AutoCAD"да ишлаш асосларини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- конструкторлик хужжатларининг мажмунини тузиш;
- стандартлашнинг давлат тизими хужжатларидан ва мухандислик графикасининг техникавий воситаларидан фойдаланиш;
- лойихалашда чизмаларни "AutoCAD" да бажариш *кўникмаларига эга бўлиши лозим*.

6.2.3.2. Материаллар қаршилиги фани бўйича

Бакалавр:

- ташки кучлар ва уларнинг таснифи, ички кучлар ва уларни аниклаш усуллари;
- деформацияланаётган жисм тўгрисидаги асосий фаразлар, деформация ва кучланишлар ўргасидаги боғлиқлик, Гук қонуни, бруснинг чўзилиши-сикилиши, эгилиши, буралиши;
- рухсат этилган кучланишлар ва сортамент;
- конструкция элементларининг мустаҳкамлиги, бикрлиги ва устиворлиги *хақида масавурга эга бўлиши*;
- материалларнинг механик характеристикалари, кесим юзаларининг геометрик характеристикаларини;
- соф эгилиш, кўндаланг эгилиш, мустаҳкамлик шартини;
- соф силжиш ва буралиш, мустаҳкамлик шартини;
- мураккаб каршилик, эгилиш ва буралишда бруснинг мустаҳкамлиги ва бикрлигини ҳисоблашни;
- конструкция элементларини назарий ва амалий мустаҳкамлигини ҳисоблашни;
- балка ва синиқ стерженларнинг бурчакли ва чизиқли кўчишларини аниклаш усулларини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- ички зўриқиши кучлари учун эпюралар қуриш;
- элементларнинг мустаҳкамлиги ва тежамлилигини таъминлайдиган зарурӣ ўлчамларини аниклаш ва уларга тўғри келувчи материалларни танлани;
- сикилган стержен устиворлигини текшириш;
- динамик кучлар, зарб, импульс, динамик коэффициентни аниклаш *кўникмаларига эга бўлиши керак*.

6.2.3.3. Курилии меҳаникаси фани бўйича

Бакалавр:

- ташки кучлар ва уларнинг таснифи, ички кучлар ва уларни аниклаш усуллари;
- деформацияланаётган жисм тўгрисидаги асосий фаразлар, деформация ва кучланишлар ўргасидаги боғлиқлик, Гук қонуни, бруснинг чўзилиши-сикилиши, эгилиши, буралиши;
- рухсат этилган кучланишлар ва сортамент;
- конструкция элементларининг мустаҳкамлиги, бикрлиги ва устиворлиги *хақида масавурга эга бўлиши*;
- материалларнинг механик характеристикалари, кесим юзаларининг геометрик характеристикаларини;
- соф эгилиш, кўндаланг эгилиш, мустаҳкамлик шартини;
- соф силжиш ва буралиш, мустаҳкамлик шартини;

- мураккаб қаршилик, эгилиш ва буралишда бруснинг мустаҳкамлиги ва бикрлигини хисоблашни;
- конструкция элементларини назарий ва амалий мустаҳкамлигини хисоблашни;
- балка ва синик стерженларнинг бурчакли ва чизикли кӯчишларини аниқлаш усусларини **билиши ва улардан фойдалана олиши**;
- ички зўрикиш кучлари учун эпюралар қуриш;
- элементларнинг мустаҳкамлиги ва тежамлилигини таъминлайдиган зарурий ўлчамларини аниқлаш ва уларга тўғри келувчи материалларни танлаш;
- сикилган стержен устиворлигини текшириш;
- динамик кучлар, зарб, импульс, динамик коэффициентни аниқлаш **кўникмаларига эга бўлиши керак**.

6.2.3.4. Мухандислик геодезияси фани бўйича

Бакалавр:

- мухандислик геодезияси фани ва унда кўрилувчи курилишга оид масалалар;
- геодезик асбобларнинг турлари, уларнинг тузулиши ва ростланиши;
- топографик суратга олишнинг геодезик асослари **хақида масаввурга эга бўлиши**;
- геодезияда кўлланиладиган координатлар тизими ва турли ўлчашларни;
- турли геодезик асбобларнинг вазифалари ва улардан фойдаланиши;
- мухандислик кидибувларида бажариладиган геодезик ишлар таркибини;
- курилиш лойиҳаларини жойга кўчириш тартибини **билиши ва улардан фойдалана олиши**;
- турли геодезик асбоб-ускуналрида ишлай билиш;
- геодезик ўлчашлар натижаларига ишлов бериш;
- бино ва иншоатлар ер ости ва ер усти кисми курилишининг геодезик таъминотини таъминлаш **кўникмаларига эга бўлиши лозим**.

6.2.3.5. Курилиш материаллари ва буюмлари фани бўйича

Бакалавр:

- курилиш материаллари, буюмлари ва металлар технологияси фанининг масади, вазифалари ва ахамияти;
- курилиш материаллари ва буюмларини тадқикот килишнинг замонавий усуслари;
- композицион курилиш материалларининг таркиби, хоссалари ва уларни олиш технологиялари;
- курилиш материаллари ва буюмларидан бино ва иншоатларни куриш, таъмирлаш ва қайта куришда самарали фойдаланиши;
- курилиш материаллари ва буюмларини ишлаб чиқаришда саноат чиқиндиларидан фойдаланиш **хақида масаввурга эга бўлиши**;
- турли курилиш материаллари ва буюмларининг асосий хоссалари ва кўлланиш соҳаларини;
- табиий тог жинслари ва тош материаллардан курилишда унумли фойдаланиши;
- минерал ва органик бօгловчи моддалар асосида олинувчи композицион курилиш материалларининг хоссалари ва уларни яхшилаш усусларини **билиши ва улардан фойдалана олиши**;
- курилиш материаллари хоссаларини аниқлашнинг стандартлаштирилган усусларини кўллаб лаборатория синовларини ўтказиш ва олинган натижаларни қайта ишлаш;
- курилиш материаллари ва буюмларини ишлаб чиқаришни йўлга кўйишда метрология ва стандартлаштириш кондаларига амал қилиш **кўникмаларига эга бўлиши лозим**.

6.2.3.6. Грунтлар механикаси, замин ва пойдеворлар фани бўйича

Бакалавр:

- грунтларнинг хосил бўлиши жараёни ва уларнинг хоссаларини шаклланиши;
- грунтлар механикаси масалаларини ечишда дисперс жисмлар механикаси услубларидан фойдаланиш;
- деформациянинг турлари ва уларни хосил бўлиши сабаблари;
- замин ва пойдеворларни лойихалашнинг умумий омиллари;
- кўприк таянч пойдеворларининг турлари;
- замин ва пойдеворларни хисоблашнинг прогрессив усусларини қўллаб, уларнинг курилмаларини танлаш ҳакида *тасаввурга эга бўлиши*;
- грунтларнинг табиати ва физик хоссаларини, грунтлар механикасининг асосий конуниятларини;
- грунтларнинг сув ўтказувчанлиги ва фильтрация конунини, грунтларнинг сиқилишга бўлган қаршилиги ва унга таъсир килувчи омилларни;
- меъёрий адабиётлардан фойдаланиб турли хил пойдеворларни лойихалаш ва хисоблаш, техник-иктисодий тахлил натижасида тегишли варианти танлашни;
- қозикли пойдеворлардан курилган пойдеворларнинг чўкишини аниклаш усусларини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- грунтларнинг физик хоссаларини лаборатория шароитларида аниклаш;
- фильтрация коэффициентини аниклаш, грунтларнинг деформациясини турли усуслар ва схемлар ёрдамида хисоблаш;
- кўприк таянч пойдеворлари материалини танлаш, уларга кўйиладиган талаблар ва турлари, замин ва пойдеворларни лойихалаш;
- қозикли, устунили ва қобикили чукур жойлашган пойдеворлар, пойдеворларни мустаҳкамлаш ва реконструкция килиш *кўнижмаларига эга бўлиши лозим*.

6.2.3.7. Темир йўл изи фани бўйича

Бакалавр:

- муҳандислик масалаларини ечиш;
- темир йўл ишшоотларида хосил бўладиган статик ва динамик кучлар;
- ташиш ишларини амалга оширишда темир йўл изи амалиёти ва ташиш режасининг бажарилиши;
- темир йўл транспорти соҳасидаги илмий-техник ривожланишининг асосий йўналишлари ва темир йўл изининг шу тизимдаги ўрни ҳакида *тасаввурга эга бўлиши*;
- муҳандислик масалаларини ечишни;
- темир йўл обьектлари ва ишшоотларга оид техник ечимларни қабул килишни;
- темир йўл изини лойихалашда ва конструкторлик ечимларда илмий -техник ривожланишининг асосий йўналишлари, темир йўл изини лойихалаш ва хисоблаш усусларини;
- темир йўл изининг тузилиши, сақланиш меъёрлари ва техник шартларини;
- темир йўл ва ҳаракат воситаларининг ўзаро таъсирини;
- таклиф этилаётган конструкциялар вариантиларини ишлаб чиқариш ва техник-иктисодий асослаб бериши *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- темир йўл изи элементларидан фойдаланиш ресурсларини ошириш;
- темир йўл конструкцияларини хисоблаш ва лойихалаш;
- темир йўл изи элементларини мустаҳкамликка хисоблаш *кўнижмаларига эга бўлиши керак*;

6.2.3.8. Темир йуллар қурилиши технологияси ва ташкили фани бўйича

Бакалавр:

- темир йуллар қурилишини такомиллаштириш;
- ишларни ишлаб чиқариш ва қурилишини ташкиллаштиришни лойихалаштириш;
- қурилиш муддатини қисқартириш йўллари, иш унумдорлигини ошириш услублари;

- темир йўллар курилишида атроф мухитни муҳофаза килишни таъминлаш;
- темир йўллар курилишини ташкиллаштиришда инженер-геологик ва климатик факторларнинг таъсири бўйича илмий изланишлар *тўгрисида масаввурга эга бўлиши*;
- капитал курилиши, хусусан транспорт курилиши масалаларини;
- темир йўл транспорти ишларини такомиллаштириш ва поездлар харакати хавфси-злигини таъминлаш асосий масалаларини;
- темир йўл курилиши технологияси ва механизацияси илмий асосларини;
- замонавий техника ва ишларни ишлаб чиқариш усуллари самарадорлигини;
- курилишнинг аниқ шароитида ташкиллаштириш;
- курилишни рационал ташкиллаштириш, календар режа ва тармоқли график тузиш кетма-кетлигини хисоблаш методикаси асосларини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- технологик жараёнлар ва ишларни ишлаб чиқариш усулларини рационал кўллаш;
- темир йўллар курилишида ишларни тўғри ташкиллаштириш;
- курилишни ташкиллаштириш ва ишларни ишлаб чиқариш лойихасини атроф мухитни муҳофаза килиш талабларини эътиборга олган ҳолда тузиш;
- ташкилий моделларни системали тахлилни кўллаб ишлаб чиқариш ва дастурлаш;
- техник хужжатлар, йўрикномалар, меъёрий адабиётлар ва стандартлардан фойдалана олиш *кўнижмаларига эга бўлиши керак*.

6.2.3.9. Тез юарар ва юқори тезликдаги магистраллар транспорт иншоотларини эксплуатацияси фани бўйича

- тезюарар ва юқори тезликдаги магистралларда мухандислик масалаларини ечиш;
- тезюарар ва юқори тезликдаги магистралларда темир йўл обьектлари ва иншоотларга оид техник ечимларни кабул қилиш;
- ср полотносини индивидуал лойиҳалашда унинг ўлчам ва талабларини асослаш;
- тақлиф этилаётган сунъий иншоот конструкциялари варианatlарини ишлаб чиқариш ва техник-иктисодий асослаш *тўгрисида масаввурга эга бўлиши*;
- ташиш ишларини амалга оширишда темир йўл изи амалиёти ва ташин режасининг бажарилишида харакат графиги бажарилишининг ташкилий асосини;
- тезюарар ва юқори тезликдаги магистралларида темир йўл изини лойиҳалашда ва конструкторлик ечимларда илмий-техник ривожланишининг асосий йўналишлари, темир йўл изини лойиҳалаш ва хисоблаш усулларини;
- тезюарар ва юқори тезликда харакатланувчи магистралларда кўприклар ва сунъий иншоотларни лойиҳалаш, куриш ва эксплуатациясининг ўзига хосликлари, сакланиш меъёрлари ва техник шартларини;
- темир йўл ва харакат воситаларининг ўзаро таъсирини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- темир йўл транспорти, кўприклар ва транспорт иншоотлари соҳаларидағи поездлар харакати тезлигини ошириш бўйича илмий-техник ривожлантариш;
- тезюарар ва юқори тезликдаги магистралларда темир йўл изи элементларидан фойдаланиш ресурсларини ошириш;
- тезюарар ва юқори тезликдаги магистралларидағи йўл конструкциялари ва уларнинг мустахкамлигини оширишни ишлаб чикишда атроф мухитни муҳофаза килиш *кўнижмаларига эга бўлиши керак*.

6.2.3.10. Кўприклар ва тоннеллар фани бўйича

Бакалавр:

- темир йўллардаги кўприклар, тоннеллар ва бошқа сунъий иншоотлар хақида умумий маълумотлар;
- сунъий иншоотларга таъсир этгётган меъёрий ва хисобий юклар, уларнинг элементларини чегаравий ҳолатлар бўйича хисоблашнинг асосий қондлари тўгрисида *масаввурга эга бўлиши*;
- темирбетон ва металл кўприклар, асосий тизимлари, кўллаш соҳаси,

материаларини;

– оддий ва олдиндан зўриқтирилган арматурали темирбетон кўприкларнинг конструкциясини;

– металл кўприклар оралик курилмаларининг конструкциясини;

– арадаш тизимли темирбетон ва металл кўприкларнинг конструкциясини;

– темирбетон ва металл кўприкларнинг ўрга ва четки таянчлари, ҳамда таянч кисмлари конструкциясини;

– тоннеллар конструкцияси, тоннелларда гидроизоляция ва сув қочириш курилмалари, тоннелларни шамоллатиш усулларини;

– темир ва автомобиль йўлларидаги темирбетон ва металл кўприкларнинг оралик курилмалари, таянчлари, ҳамда кувурлар ва тоннелларни куриш усулларини *билиши ва фойдалана олиши*;

– унификацияланган, туркумлаштирилган темирбетон ва металл оралик курилмалар ҳамда ёрдамчи курилмаларни амалда кўллаш;

– темирбетон ва металл кўприкларнинг ўрга ва четки таянчлари, ҳамда таянч кисмларини хисоблаш ва лойиҳалаш;

– замонавий дастурий воситалар (AutoCAD, ArchiCAD, SCAD, LIRA ва х.к.) ёрдамида кўприк, тоннеллар ва кувур конструкцияларини хисоблаш, лойиҳалаш кўникласига эга бўлиши керак.

6.2.3.11. Темир йўл бекатлари ва узеллари фани бўйича

Бакалавр:

– бекатлар ва уларни мижозларга хизмат кўрсатиш жараёнида тутган ўрни;

– бекатлардан фойдаланиш жараёни;

– бекатларнинг асосий курилмалари *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;

– стрелкали ўтказгич турлари ва ёндош жойлашувини;

– ажратиш пунктлари ва уларнинг турларини;

– йўлларнинг фойдали тўйқ ва қурилиш узунликларини;

– йўл чегараларини, белгиларини;

– бекат йўлларини ихтисослаштиришни;

– бекатларни қайта куриш асосларини;

– стрелкали кўчаларни, уларни турларини;

– бекат бўғизларини, турларини, уларга қўйиладиган талабларни;

– бекат турларини, вазифаларини, технологик иш жараёнини;

– разъездлар ва қувиб ўтиш пунктлари, оралик ва участка бекатларини;

– участка бекатларининг йўловчи, юк ва саралаш курилмалари ва технологик жараёнини;

– саралаш бекатларининг йўл тармоги, курилмалари, уларнинг иш фаолиятини ва лойиҳалашни;

– саралаш тепалиги турлари ва уларнинг асосий кўрсаткичларини;

– юк бекатларининг технологик иш жараёнини;

– йўловчи бекатлар турлари ва технологик жараёнини;

– барча турдаги бекатларнинг асосий курилмаларини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;

– бекатлар схемаси варианtlарини таълаш;

– темир йўл бекатларини лойиҳалашда техник жиҳозлар белгиларини тўғри жойлаштириш кўникмаларига эга бўлиши керак.

6.2.3.12. Суюклик ва газ механикаси фани бўйича**Бакалавр:**

- гидростатика: асосий тушунчалар, гидростатик босим ва унинг хусусиятлари, текис ва эгри сиртларга суюкликнинг босими ва кучи;
- гидродинамика: гидродинамиканинг асосий масалалари, суюкликнинг реал ва идеал оқими;
- суюклик харакати тартиблари ва улар хақидаги тушунчалар, юпка девордаги кичик тешикдан ва кўндиригичлардан суюкликнинг оқиб чикиши **ҳақида тасаввурга эга бўлиши**;
- гидростатика асосий тенгламасини, суюкликнинг текис ва эгри сиртларга босим кучини хисоблашни;
- гидродинамиканинг узлуксиз ва Д.Бернулли тенгламаларини, кувурларда йўқолган дамларни хисоблашни, текис ва нотекис харакат тенгламаларини;
- юпка девор тешиги ва кўндиригичлардан суюклик оқиб чикишини хисоблаш ифодаларини **билиши ва улардан фойдалана олиши**;
- гидростатиканинг асосий тенгламасини, Эйлер дифференциал тенгламасини ечиш, текис ва эгри сиртларга суюкликнинг босими ва кучини хисоблаш;
- суюкликнинг юпка девордаги тешикчадан ва кўндиригичлардан оқиб чикишида хисоблаш ифодаларини ишлата билиш **кўникмаларига эга бўлиши керак**.

6.2.3.13. Темир йўл изини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш фани бўйича**Бакалавр:**

- темир йўл изини таъмирлаш ва жорий саклаш;
- йўл холатини баҳолаш ва рельс деффектоскопи усуллари;
- оғир турдаги машиналар ва кичик механизмлар техник-иктисодий тавсифлари;
- йўл хўжалигида полимер материаларини кўллаш;
- поездларнинг тезюорар ва юкори тезликдаги харакатланувчи участкаларида йўлни таъмирлашнинг ўзига хос хусусиятлари **тўгрисида тасаввурга эга бўлиши**;
- йўл хўжалигининг замонавий холати ва ривожланиш истиқболини;
- йўл хўжалигини юритиш тизими тамоилларини ва унинг техник, технологик ва ташкилий асосларини;
- йўлни техник холатини баҳолашни;
- темир йўл изи холатини баҳолаш ва диагностика қилиш техник воситаларини;
- йўл ишлари турларини ва уларни бажаришда кўлланиладиган машина, механизм ва инструментларини;
- йўл хўжалигининг меёрий техник хужжатлари мажмуасини;
- йўл хўжалиги корхоналарининг ташкилий тузулмасини;
- йўл ишлари жараённада меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва атроф мухит муҳофазаси талабларини **билиши ва улардан фойдалана олиши**;
- йўл масофасининг техник паспортини тузиш ва уни тахлил қилиш;
- йўл ва стрелкали ўтказгичлар холатини визуал текширишда йўл камчиликларини аниклаш;
- темир йўлни жорий саклашда ишчилар контингентини хисоблаш;
- йўл ишлари технологик жараёнларини ишлаб чикиш;
- йўл ишларини бажаришда меҳнат унумдорлигини ошириш **кўникмаларига эга бўлиши керак**.

6.2.3.14. Метрология, стандартлаштириши ва сифат назорати фани бўйича**Бакалавр:**

- фанга тегишли бўлган таянч тушунчалари;
- атамалар, ўлчам бирликлари, ўлчаш турлари ва воситалари, этalon, хатоликларни тури ва келиб чикиш сабаблари, стандартларни кўлланиши ва ишлаб чикиши;

- тасдиклаш ва рўйхатга олиш, мезёрий хужжатлар ва уларни турлари, темир йўл курилиши маҳсулотни сифатини назорат килиши **хақида масавурга эга бўлиши;**
- ўлчам бирликларни темир йўл курилишида ишлатишни;
- ўлчаш, ўлчам натижаларини аниклигини баҳолашни;
- мезёрий хужжат ва стандартларни қўллашни;
- баҳарилган курилиш ишларини сифатини назорат килишни;
- технологик жараённи операцион сифат назоратини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
- ўлчаш, синаш, назорат килиш воситаларини қўллаш;
- ишлаб чиқаришнинг метрологик таъминотини ташкил килиш;
- ишларни сифат даражасини баҳолаш **кўнигмага эга бўлиши керак.**

6.2.3.15. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фани бўйича

Бакалавр:

- инсон ҳаёти фаолиятидаги табиий, техноген ва экологик хавфлар;
- фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар;
- курилиш объектларини фавқулодда холатлар ва вазиятлар таъсирига тургунилигини таъминловчи лойиҳавий ечимлар **хақида масавурга эга бўлиши;**
- ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг мезёрий-техникавий ва ташкилий асосларини;
- инсонга жароҳат етказувчи ва соглигига зарарли таъсир кўрсатувчи таъсирларнинг оқибатларини;
- курилиш жараёнларини баҳаришда меҳнат фаолияти хавфсизлигини таъминловчи техникавий ва ташкилий чора-тадбирларни **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
- ножӯя ва зарарли таъсирлардан химоялаш воситаларини самарали қўллаш;
- курилиш ишлаб чиқариши жараёнини хавфсиз ташкил килиш **кўнигмага эга бўлиши керак.**

6.2.3.15. Тармоқ иқтисодиёти ва менеджменти фани бўйича

Бакалавр:

- курилиш тармоғининг республикамиз иқтисодиётида тутган ўрни ва аҳамияти;
- давлат инвестиция дастурини шакиллантириш ва амалга ошириш;
- курилиш ташкилотининг асосий фондлари ва айланма маблағлари;
- курилиш ишлаб чиқаришини концентрациялаш, ихтинослаштириш ва кооперациялаш **хақида масавурга эга бўлиши;**
- курилишга йўналтирилган инвестициялар самарадорлигини баҳолашни;
- курилишда тендер савдоларини ўтказиш коидаларини;
- курилиш-монтаж ташкилотида ишлаб чиқариши ташкил килиш иқтисодини;
- курилиш ташкилотида ресурслардан оқилона фойдаланиш йўлларини;
- курилишда меҳнатга ҳак тўлаш ва ходимлар меҳнатини рагбатлантириш коидаларини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
- курилиш маҳсулотининг таннархини хисоблаш, курилиш корхоналарининг фойдаси ва рентабеллигини аниклаш;
- курилишда кичик бизнесни ривожлантириш;
- курилишда лойиҳавий ечимларнинг ижтимоий-иктисодий самарадорлигини баҳолаш **кўнигмага эга бўлиши керак.**

6.2.4. Ихтиослик фанлари бўйича талаблар

6.2.4.1. Эксплуатациядаги темир йўлларни таъмирлашни лойиҳалаш фани бўйича

Бакалавр:

- темир йўлларнинг ривожланиш истиқболлари, юқ ташиш самарадолигини ошириш, йўловчиларга юкори савияда хизмат кўрсатиш масалалари ва темир йўл техникаси таракқиётининг асосий йўналишлари;
- замонавий ҳаракат воситалари;

- янги темир йўлларни лойихалаш ва эксплуатациядагиларини таъмирлашда асосий параметр кўрсаткичларини танлаш, тортиш хисоблари, техник иктисодий тадқиқотларнинг ўрни, ахамияти ва бажариш тартиби;
- янги темир йўллар йўналишини танлаш ва лойихалаш;
- эксплуатациядаги темир йўлларнинг поезд ва юк ўтказиш қобилиятини ошириш йўллари;
- ажрим килиш пунктларни жойлаштириш;
- сув ўтказувчи иншоотларни тури ва тиркишини аниқлаш ҳақида масавурга эга бўлиши;
- мухандислик ва иктисодий тадқиқотларни ўтказиш тартибии;
- янги темир йўлларни куриш, эксплуатациядаги темир йўлларни таъмирлаш лойихалари учун бошлангич маълумотларни йиғишини;
- янги ва эксплуатациядаги темир йўлларнинг тархи, бўйлама кирқимларини лойихалашни;
- темир йўллар инфратузилмаси объектларини лойихалаш ва таъмирлаш;
- эксплуатациядаги темир йўлларнинг поезд ва юк ўтказиш қобилиятини ошириш чора-тадбирларини;
- мухандислик лойихавий ечимларининг оптималь вариантини танлашнинг асосий усул ва тамойилларини билиши ва улардан фойдалана олиши;
- янги темир йўлларни куриш, эксплуатациядаги темир йўлларни таъмирлаш билан боғлик тадқиқот ва лойихалаш масалаларини кўя билиш ва ечиш;
- мухандислик геодезик, геологик, гидрологик ишларини дала ва камерал шароитида ташкил килиш, бажариш;
- янги темир йўллар, эксплуатациядаги темир йўлларни таъмирлаш лойихаларини ишлаб чиқиша замонавий информацион технологиялар ва усулларини кўллаш;
- эксплуатациядаги темир йўлларнинг поезд ва юк ўтказиш қобилиятини ошириш комплекс лойихаларини ишлаб чиқиш қўнижмаларга эга бўлиши керак.

6.2.4.2. Сунъий иншоотларни эксплуатация қилиши фани бўйича

Бакалавр:

- транспорт иншоотларини асрар, тёкшириш, синаш усуллари, юк кўтариш қобилияти ва умрбокийлигини баҳолаш усуллари;
- темир йўллардаги кўприклар ва сув ўтказгич кувурларни таъмирлаш, кучайтириш ва кайта тиклаш усуллари;
- кўприклар ва тоннеллар ҳақида умумий маълумотлар, кўприклар ва тоннелларнинг асосий турлари, кўпrik ва тоннелларнинг элементлари, ўлчамлари, таъсир этувчи мөъёрий ва хисобий юклар, чегаравий ҳолатлар бўйича кўприкларни хисоблашнинг асосий коидалари;
- темирбетон ва металл кўприкларнинг асосий тизимлари, тоннелларнинг вазифалари бўйича турлари, уларни кўллаш соҳаси, ишлатиладиган материаллар, юк кўтариш қобилияти ва умрбокийлигини баҳолаш усуллари;
- темир йўллардаги кўприклар ва сув ўтказгич кувурларни таъмирлаш, кучайтириш ва кайта тиклаш усуллари тўғрисида масавурга эга бўлиши;
- фанни ўрганиш талабаларда эгалланган билимлар ва қўнижмаларни кўприклар ва кувурларни асрар ва кайта тиклаш соҳасидаги амалий масалаларга кўллай олиши;
- темирбетон кўприкларнинг плитали ва қовургали тўсинли оралик курилмаларининг конструкциясини;
- оддий арматурали темирбетон оралик курилмаларни, арматураси олдиндан зўриқтирилган темирбетон оралик курилмаларни;
- темирбетон ва металл кўприкларнинг ўрта ва четки таянчлари, таянч қисмлари конструкциясини;
- темир йўллардаги тоннеллар конструкциясини, сув кочириш ва шамоллатиш мосламаларини;

- темир йўллардаги кўприклар, тоннеллар, темирбетон ва металл қувурларни куриш усулларини *билиши ва фойдалана олиши*;
- тоннелларнинг пардозлаш ишлари, тоғ босимини хисоблаш ва лойихалашнинг асосий коидаларини амалда қўллаш;
- кўприкларнинг темир бетон ва металл оралиқ курилмаларини хисоблаш ва лойихалашнинг асосий коидаларини амалда қўллаш;
- кайта тиклаш ва кучайтира олиш усулларидан фойдаланиш;
- войихалаш ва хисоб-китобларда ишлатиладиган амалий дастурий воситаларни кўллай билиш *кўникмасига эга бўлиши* лозим.

6.3. Танлов фанлари бўйича бакалаврларнинг билим, малака ва кўникмаларига қўйиладиган талаблар:

Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда танлов фанларининг маркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.

7. Таълим дастурларининг мазмуни ва компонентлари

7.1. 5340600 – Транспорт иншоотларининг эксплуатацияси (темир йўллар) таълим йўналиши бўйича бакалаврларни тайёрлашнинг таълим дастури таълимнинг кундузги шакли бўйича 4 йил ўчишга мўлжалланган бўлиб, куйидаги вақт таксимотига эга:

Назарий таълим	136 хафта
Малака амалиёти	14 хафта
Битирув иши	5 хафта
Аттестация	19 хафта
Таътиллар	30 хафта
Жами	204 хафта

7.2. Талаба ҳафталик ўкув юкламасининг максимал ҳажми 54 соат, шундан аудиторияядаги ўкув юкламаси – 32 соат, қолган соатлар ҳажми мустакил таълим учун ажратилади.

7.3. Жорий, оралиқ ва якуний аттестацияларни хисобга олган ҳолда таълим дастурининг умумий ҳажми 4 йиллик ўкув даври учун ҳафталик ўкув юкламалардан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.

7.4. Таълим дастурини ўзлаштиришда бир катор масалалар ёки курслар муаммолари бўйича талабаларнинг мустакил таълими кўзда тутилади.

7.5. 5340600 – Транспорт иншоотларининг эксплуатацияси (темир йўллар) бакалаврият таълим йўналиши бўйича таълим дастурининг зарурий мазмуни ва компонентлари

7.5.1. Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар мазмуни ва компонентлари

Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанларнинг зарурий мазмунни ва компонентлари «Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар» блоки бўйича бакалаврлар тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйилган талаблар» асосида белгиланади.

7.5.2. Математик ва табиий-илмий фанлар мазмунни ва компонентлари

7.5.2.1. Олий математика

Чизиқли алгебра элементлари: асосий алгебраик тузилмалар, айрим векторли фазовий ва чизиқли ифодалар, олий алгебра элементлари, детерминантлар, матрицалар назарияси элементлари ва уларнинг татбики, буль алгебраси.

Аналитик геометрия: аналитик геометрия, кўп ўлчамли евклид геометрияси, чизиқлар ва сиртларнинг дифференциал геометрияси, топология элементлари.

Дискрет математика: мантикий хисоблашлар, графиклар, алгоритмлар назарияси.

Математик анализ: дифференциал ва интеграл хисоблаш, функция назарияси ва функционал таҳлил элементлари, комплекс ўзгарувчили функциялар назарияси элементлари, кўп ўзгарувчили функцияларнинг дифференциал ва интеграл хисоби, дифференциал тенгламалар, сонли, функционал ва фурье қаторлари, математик физиканинг асосий тенгламалари.

Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика: эҳтимоллар назариясининг математик асослари, тасодифий жараёнларнинг моделлари, фаразларни текшириш, юкори тартиб ўхшатишлар тамоили, экспериментал маълумотларга ишлов беришнинг статистик усуллари.

7.5.2.2. Информатика ва ахборот технологиялари

Ахборот тушиунчаси: ахборот тўплаш, узатиш, кайта ишлаш ва жамғариш жараёнларининг умумий тавсифи. Информацион жараёнларни амалга оширишининг техникавий ва дастурий воситалари. Функционал ва хисоблаш масалаларини ечиш моделлари. Алгоритмлаш ва дастурлаш. Юкори даражадаги дастурлаш тиллари. Маълумотлар базаси. Дастурий таъминот ва дастурлаш технологияси. Компьютер графикаси асослари. Ахборот, уни саклаш, уларга ишлов бериш ва уларни узатиш усуллари хамда воситалари. Компьютернинг дастурий таъминоти, Windows операцион тизими, интерфейси. Даструрларни ишга тушириш, ойналар билан ишлаш. Файл, папка, ёрликлар ҳосил килиш ва уларни нусҳалаш, кўчириш, файлларни излаш. Турли даражадаги дастурлаш тиллари асослари, алгоритмлар, турлари, хоссалари ёзилиш усуллари, дастурлаш технологиялари. Амалий дастурий таъминот, mathcad дастур пакети, офис дастурлари. Глобал компьютер тармоғи, интернет, интернетнинг асосий тушунчалари, интернет протоколлари, манзиллари, Internet Explorer браузери, интернетда маълумотлар қидириш, электрон почта.

7.5.2.3. Физика

Механиканинг физик асослари: классик механикада холат тушунчаси, ҳаракат конунлари, сакланиш конунлари, суюклик ва газлар кинематикаси ва динамикаси, механик тебраниш ва тўлкинлар.

Молекуляр физика ва термодинамика: молекуляр кинетик назария асослари, идеал ва реал газ холати тенгламалари, иссиқлик алмашиниш жараёнлари, термодинамиканинг уч конуни, энтропия.

Электр ва магнетизм: электростатика ва ўзгармас ток характеристикалари ва конунлари, турли мухитларда электр токи, яримўтказгичларда ток, электромагнетизм, магнит ва электромагнит индукция ходисалари, электромагнит тебраниш ва тўлкинлар, ўзгарувчан ток конунлари, Максвелл танегламалар системаси.

Оптика: геометрик оптика, интерференция, дифракция, дисперсия ходисалари, ёргулканинг кутбланиши хамда ютилиши конунлари, корпускуляр-тўлкин дуализми.

Атом физикаси: атом тузилиши, квант физикаси элементлари, нисбийлик назарияси элементлари, элементар зарралар тўғрисида маълумот.

7.5.2.4. Кимё

Кимёвий тизимлар: эритмалар, дисперс тизимлар, электрокимёвий тизимлар, катализаторлар ва каталитик тизимлар, полимерлар ва олигомерлар.

Кимёвий термодинамика ва кинематика: кимёвий жараёнлар энергетикаси, кимёвий ва фазовий мувозанат, реакция тезлиги ва уни бошқариш методлари, төбрануучи реакциялар.

Моддаларнинг реакцияга кириши қобилияти: кимё ва элементларнинг даврий тизими, моддаларнинг кислотали-асосли ва оксидланиш-кайтарилиш хоссалари, кимёвий боғланиш, комплиментарлик.

Кимёвий идентификация: сифатий ва микдорий таҳлил, аналитик сигнал, кимёвий, физикавий-кимёвий ва физикавий таҳлил.

7.5.2.5. Назарий механика

Статика аксиомалари, (бир нуктада) кесишувчи кучлар тизими. Жуфт кучлар назарияси. Куч моменти, ихтиёрий жойлашган кучлар тизими, массалар маркази. Нукта кинематикаси (нукта харакати берилшининг усуллари, нукта тезлиги ва тезланиши). Нуктанинг мураккаб харакати, каттиқ жисм кинематикаси (каттиқ жисмнинг оддий, текис харакати). Қаттиқ жисмнинг мураккаб харакати. Нукта динамикаси, инерцион хисоб тизимларида нукта харакатининг дифференциал тенгламалари, каттиқ жисм динамикаси (илгарилама-айланма, текис харакатларнинг динамик тенгламалари). Даламбер тамойилини тадбики, динамиканинг умумий тенгламаси.

7.5.2.6. Экология

Биосфера ва инсон: биосферанинг тузилмаси, экологик тизимлар, экологик омиллар, мухит, организмларнинг ўзаро муносабати, экологик мухит ва инсон саломатлиги, атроф-мухитининг глобал, минтақавий ва маҳаллий муаммолари.

Табиатдан фойдаланиш: табиий ресурслардан рационал фойдаланиш асослари ва атроф-мухит муҳофазасининг экологик тамойиллари, экологик ҳукуқ асослари ва касбий масъулият, мухандислик экологиясининг вазифалари, атроф-мухит соҳасидаги ҳалқаро ҳамкорлик.

7.5.3. Умумкасбий фанлар мазмунини ва компонентлари

7.5.3.1. Чизма геометрия ва мухандислик графикаси

Чизма геометрия ва чизмачилик: фазовий шаклларни текисликда тасвирлашнинг проекциялар методи. Нукта, тўғри чизик ва текисликларнинг ўзаро тегишилгига оид масалалар, масалани ечиш алгоритмлари. Ўлчами аникланадиган (метрик) масалалар. Ортогонал проекцияларни қайта тузиш усуллари. Кўпёкликлар, кўпёклиларни текислик ва тўғри чизиклар билан кесишуви. Эгри чизиклар. Сиртлар. Айланиш сиртлари. Чизикили сиртлар. Винтли сиртлар. Циклик сиртлар. Умумлашган позицион масалалар. Аксонометрик проекциялар. Чизмачиликка оид давлат стандартлари. Форматлар. Масштаблар. Чизиклар. Шрифтлар. Деталларга ўлчамлар қўйиш усуллари ва белгилари.

Мухандислик графикаси ва лойиҳалаш асослари: геометрик моделлаштириш асослари. Проекциялар ва проекциялаш турлари. Комплекс чизма, чизмани қайта хосил килиш. Тасвирлар (кўринишлар, қирқимлар, кесимлар). Аксонометрик тасвирлар, сиртлар, сиртдаги нукталар ва чизиклар. Сиртларнинг кесишуви. Деталларнинг чизмалари ва эскизлари. Чизма бўйича ўқиш ва деталлаштириш. Ёйилма, ажраладиган (резьбали, шлицали, шпонкали) ва ажралмайдиган биримлар. Конструкторлик хужжатларининг мажмуси. Стандартлаштиришнинг давлат тизими. Мухандислик графикасининг техникавий воситалари. Компьютер графикаси асослари, интерактив компьютер графикаси. Дастурий воситалар, маълумотлар базасининг тузилиши. "autocad" дастури ва унда ишлаш асослари.

7.5.3.2. Материаллар қаршилиги

Асосий гипотезалар. Ташки кучлар ва уларнинг таснифи. Ички кучлар ва уларни аниклаш усули. Деформациялангаётган жисм түғрисидаги асосий фаразлар. Гук конуни. Марказий чўзилиш ва сикилиш, бўйлама куч ва кучланиш, бўйлама ва кўндаланг деформациялар. Чўзилиш ва сикилишда статик аниқмас масалалар. Эластик деформациянинг потенциал энергияси. Материалларнинг механик характеристикалари, эгилишда ички зўрикиш кучлари. Брус кўндаланг кесим юзаларининг геометрик характеристикалари, статик моментлар. Кесим юзасининг инерция моментлари хамда марказдан кочирма инерция моменти. Соф эгилиш, кўндаланг эгилиш, нормал ва уринма кучланишлар, каршилик моменти. Мустаҳкамлик шарти. Балка эгилган ўкининг универсал тенгламаси. Бошлангич параметрлар усули. Фиктив юклар усули. Мор формуласи ва Верещагин усулисизлиш. Соф сизжишда Гук конуни, сизжиш модули. Буралиш. Буралишда буровчи момент, буралишда мустаҳкамлик шарти, синик стерженлар, мураккаб каршилик. Кийшик эгилиш. Марказий бўлмаган чўзилиш ва сикилиш. Вални эгилиш билан буралишга хисоблаш. Сикилган стержен устиворлиги. Критик куч. Эйлер формуласи ва уни қўллаш чегаралари. Динамик кучлар, зарб, импульс, динамик коэффициентни аниклаш.

7.5.3.3. Қурилиш механикаси

Иншоотларнинг хисоблаш схемаси. Тизимларнинг эркинлик даражаси ва геометрик тахлил. Статик аниқ тизимлардаги зўрикишларни аниклаш усувлари. Статик аниқ кўп ораликли балкаларни хисоблаш. Иншоотларни харакатланувчи юк таъсирига хисоблаш усувлари. Таъсири чизикларини статик ва кинематик усулда куриш. Таъсири чизиги ёрдамида юкининг нокулай вазиятини аниклаш. Учшарнирили тизимларнинг таяич реакцияларини ва ички кучларини аниклаш. Учшарнирили тизимларнинг ички зўрикиш кучлари учун таъсири чизикларини куриш. Яssi фермалар. Фермалар классификацияси, кўзгалмас юк таъсиридан ферма стерженларидаги зўрикишларни аниклаш. Ферма стерженларидаги зўрикишларнинг таъсири чизикларини куриш, кўчишлар назарияси, кўчишларнинг универсал формуласи – Мор интегрални. Верещагин ва Симпсон усувлари, статик ноаниқ стерженли тизимлар. Статик ноаниқлик даражаси, статик ноаниқ стерженли тизимларни хисоблаш усувлари. Кучлар усули, кўчишлар усули, каноник тенгламалар, узлусиз балка хисоби. Уч момент тенгламаси, моментли фокуслар усули, тизимларни динамик юкларга хисоблаш.

7.5.3.4. Мухандислик геодезияси

Геодезия фани моҳияти ва максадлари, мухандислик геодезияси. Ернинг шакли ва ўлчамлари. Координата ва баландлик тизимлари. Давлат геодезик тармоклари. Масштаб ҳакида тушунча, тарх, харита, кесим. Жой рельефини тарх ва хариталарда ифодалаш. Ўлчаш хатоликлари назарияси: като турлари, хоссалари. Масофа ўлчаш, усувлари ва асбоблари. Геодезик тасвирлов турлари ва моҳияти. Тасвирловларни автоматизациялаш ва янги геодезик асбоблар ва технологиялардан фойдаланиш. Теодолитлар, нивелирлар тузилишлари, текширишлари ва тузатиши, бурчакларни ўлчаш усувлари. Нивелирлаш ишлари. Темир йўл иншоотлари кидируви, лойихалаш ва эксплуатациясида геодезик ишлар. Юқори тезликдаги темир йўлларда геодезик ишлар, замонавий юқори аниклиқдаги электрон асбоблардан фойдаланиш. Лойихавий иншоотларни жойда режалаш ишлари. Лойихани геодезик тайёрлови ва геодезик ишлар бажариш лойихаси. Нукталарни жойда тархий ва баландлик бўйича режалаш усувлари. Инженер иншоотларидан фойдаланишда геодезик ишлар. Иншоотлар деформациялари турлари, келиб чиқиш сабаблари. Таянч тармоклари, вертикал ва горизонтал деформацияларни, иншоот оғишлари ва ёриклини аниклаш усувлари. Геодезик ишларда хавфсизлик техникаси ва атроф мухитни муҳофазалаш.

7.5.3.5. Курилиш материаллари ва буюмлари

Курилиш материаллари ва буюмлари, курилиш материалларининг хоссаларини аниклаш, курилиш материалларининг тадқиқотлари, материалларнинг тузилиши ва хоссалари, материалнинг мустаҳкамлигини аникловчи бузмайдиган усуллар, табиий тош материаллар, тог жинси минераллари. Тог жинсларининг отилиб чиккан, чўкма ва метаморфик турлари, курилишда тог жинсларидан фойдаланиш. Курилиш керамикаси ва минерал эритиш буюмлари. Шиша турлари ва курилишда кўлланиладиган шиша буюмлар, ноорганик боғловчи моддалар, ҳавойи боғловчи моддалар таснифи, курилиш оҳаги, ганчли боғловчи моддалар, минерал боғловчи моддалар котиши жараёнининг ўзига хос хусусиятлари, портландцемент, цементнинг кимёвий ва минералогик таркиби, портландцемент олиш технологияси, курилишда ишлатиладиган цемент турлари. Бетонлар, таснифланиши, оддий оғир бетон, бетонларни тайёрлаш учун материаллар, бетон коришимаси ва бетоннинг хоссалари. Курилиш коришималари, таснифи, коришка хоссалари. Курилишда кўлланиладиган коришка турлари. Автоклавда котадиган силикат буюмлар. Ҳарорат ва босим таъсиридаги оҳакли-кумтупроқ композициялар. Ёғочли курилиш буюмлари, акустик ва иссикни ўтказмайдиган материаллар, органик боғловчи моддалар ва улар асосидаги материаллар, металли курилиш буюмлари. Полимер курилиш материаллари. Курилиш учун пластмасса буюм турлари. Пардозлаш, сувни ва иссикни ўтказмайдиган пластмасса материаллари. Лок-бўёқ материаллари, боғловчи пигментлар ва бошқа таркибий қисмлар. Саноат ва кишлок хўжалик чикиндилари, улардан курилиш материалларини ишлаб чиқаришда фойдаланиш. Метал технологиясининг асослари ва хоссалари, пўлатлар ва қотишималар, таснифланиши, тамғалаш, пайвадлаш технологияси, арматурали пўлатни ва ўрнатиш қисмларини пайвандлаш учун жихозлар.

7.5.3.6. Грунтлар механикаси, замин ва пойдеворлар

Грунтлар ҳақидаги асосий маълумотлар: грунтлар турлари ва таркиблари. Грунтларнинг каттиқ, суюқ, газ қисмлари.

Грунтларнинг ташки кучлар таъсирида деформацияланишининг асосий қонуниятлари, грунти заминлардаги кучланишлар: грунтларнинг ҳар хил шароитларда сикилишида кучланиш-деформация ҳолатининг ўзига хослиги. Грунтларнинг деформацияланиш хусусиятлари. Грунтларда хусусий оғирлик ва ташки кучлар таъсиридаги кучланишлар.

Замин ва пойдеворларни лойиҳалашининг умумий омиллари: пойдевор ҳақида тушунча. Пойдеворнинг вазифаси ва унга кўйиладиган асосий талаблар. Пойдеворларнинг конструктив элементлари. Пойдеворларнинг класификацияси. Замин ва пойдеворларни лойиҳалашда фойдаланиладиган меъёрий хужжатлар ва қоидалар. Замин ва пойдеворларни чегаравий ҳолатлар бўйича ҳисоблаш усуллари.

Саёз жойлашган пойдеворларни лойиҳалаши: пойдеворнинг жойлашиш чуқурлигини аниклаш. Замин грунтларининг ҳисобий каршиликларини аниклаш. Тезорар поездлар линияларидаги саёз жойлашган пойдеворлар остидаги грунт каршилигини аниклаш. Пойдеворларни ағдарилишига ва силжишига (сирпанишига) карши устиворлиги. Кўприклар таянчларининг тенг таъсир этувчиси ҳолатини текшириш.

Қозиқли, устунли ва қобиқли чуқур жойлашган пойдеворлар: чуқур жойлашган пойдеворлар ҳақида тушунча. Конструкциялари кўринишлари. Оптимал кўлланиш соҳалари ва шартлари.

Чуқурлашган ва ер ости иншоотлари, таянч деворлар: транспорт, ишлаб чиқариш ва фуқаро иншоотлари конструкциялари тахлили. Таянч деворлар ва хандаклар тўсикларини устиворлик ва мустаҳкамликка ҳисоблаш.

Қозиқли ва устунли пойдеворларни қуриши: уриб қокиладиган қозиқли пойдеворларни ўрнатиш. Кулланиладиган механизмлар. Бурғилаб қокиладиган қозиқларни ўрнатиш. *Пойдеворларни мустаҳкамлаш ва реконструкция қилиши:* замин ва пойдеворларни мустаҳкамлаш ва қайта куриш сабаблари ва усуллари. Асосий конструктив ечимлар.

7.5.3.7. Темир йўл изи

Темир йўл изига кўйиладиган талаблар. Йўлнинг таркибий кисмлари. Йўлнинг устки тузилиши асосий элементлари. Йўлнинг устки тузилиши турлари. Йўл конструкциясини лойихалаш, конструкциялари ва турларини танлашни бош тамойиллари. Рельслар ва унинг геометрик параметлари, кўндаланг кесимлари, массаси ва материали. Замонавий рельсларнинг турлари ва сифати. Темир йўлда рельсларнинг ишлаш шартлари, улардан фойдаланиш талаблари. Рельслардаги (нуксонлар) камчиликлар, уларни сабаблари. Рельсларнинг ишончлилигини, фойдаланиш муддатини оширишнинг асосий йўналишлари. Бириктирмалар. Оралиқ ва туташма бириктирмалар кўлланилиши ва умумий тавсифи. Оралиқ бириктирмаларнинг иши. Оралиқ бириктирмалар классификацияси. Болтсиз бириктирмалар, блокли рельс ости асослари, темир бетон ва ёғоч шпалларда оралиқ бириктирмалар турлари. Оралиқ бириктирма элементлари. Туташмалар конструкцияларининг таҳлили ва уларнинг изда ишланиши. Изоляцияланган ва электр ўтказувчи туташмалар. Елим болтли туташмалар. Рельс ости таянчлари. Рельс таянчи турлари. Шпаллар ва уларнинг таъминланиши. Шпаллари материали ва конструкцияси. Шпалларни ётқизиш эшораси. Шпалларнинг йўлдаги иш анализи. Ёғоч шпаллар турлари. Ёғоч шпалларнинг хизмат килиш муддати, уларни узайтириш тадбирлари. Темир бетон шпалларнинг турлари ва кўлланиши. Балласт катлами. Балласт катламини йўлда ишланини тайинлаш. Балласт учун материал жисмлар. Балласт призмасининг кўндаланг кўриниши. Устки йўлининг тўлик курилиши. Темир йўлларни ўзаро бирлаштириш ва уларнинг кесишиши. Стрелка ўтказгичлари, йўл кесишиш конструкциялари ва элементлари. Оддий стрелкали ўтказгичлар, стрелка, конструкция крестовинаси, бирлаштирувчи йўллар конструкцияси. Узилмас йўл усти харакат крестовинаси. Ўтказувчи бруслар ва плиталар. Стрелкали ўтказгичларнинг эшоралари. Стрелкали ўтказгичлар ва темир йўл бирлашувига бўлган талаблар. Стрелкали ўтказгичларнинг асосий параметрлари. Бурчак ва марка крестовинасини аниклаш. Стрелкали ўтказгичларнинг асосий размерларини аниклаш. Стрелкали ўтказгич крестовиналари ва йўл бирлаштирувчи кисмлар хисоб – китблари. Рельс колеяси хакида тушунча. Рельс колеяси курилмасига талаблар, хавфсизликни таъминловчи ва поездни ўрнатилган тезликда узликсиз харакати, гилдирак жуфтлигини асосий ўлчамлари ва ўрнатилган рухсати. Колеяни эгриликдаги кенгайиши хисобининг усууллари. Ер полотносига нисбатан кўйилган асосий талаблар, уни лойихалаш, куриш ва фойдаланиш. Ер полотносига кўндаланг кирқимларини лойихалаш. Ер полотносига ён бағрини тургунлиги. Ер полотносига кўндаланг кирқимларини лойихалаш тамойиллари ва усууллари. Тенг тургун кўндаланг кирқимларини лойихалаш тамойиллари ва усууллари. Поезд ўтганда хосил бўладиган кўтартманинг динамик ҳолати ер полотносининг асосий майдончаси ва кўтартмалар асосини тургулиги. Ер полотносини табиий салбий таъсирлардан химоя. Тўлкин уриши ва ювилишдан химоя. Зарур мустахкамлик ва гидроизоляцион хусусиятларни бериш учун ер полотносига ва унинг асоси грунтлари параметрларини яхшилаш усууллари. Мураккаб шароитларда ер полотносини куриш хусусиятлари. Ер полотносини носозлиги турлари. Ер полотносини мустахкамлаш.

7.5.3.8. Темир йўллар курилиши технологияси ва ташкили

Темир йўллар курилишининг ўзига хос хусусиятлари. Ер иншоотларининг вазифаси ва турлари. Белгиланган тезликдаги поездлар харакатидаги ер полотносини конструкцияси ва ер полотносига кўйилган асосий талаблар. Ишлаб чиқаришни календар режалаштириш асослари. Тайёргарлик ва ёрдамчи ишлар. Ер полотносини барпо этишда ишларни комплекс механизациялаш вариантлари. Бир чўмичли экскаваторлар билан грунтларга ишлов бериш. Скрепер ва бульдозерлар ёрдамида ер ишларини ишлаб чиқариш технологияси. Мураккаб курилиш шаронти худудларида темир йўл ер полотносини куриш технологияси. Ер полотносини куришда атроф мухитни муҳофаза килиш. Ер ишларини бажаришда техника хавфсизлиги. Ишлаб чиқаришни низорат

STANDARTLASHTIRISH, DAVID
MAZORATIN! KUVVAFIDLASHTIRISH VA
AXBOROT TEKNOLOGIYALARINI
JONIY ETISH SOSIYARMASI

килиш. Белгиланган тезликдаги поездлар харакатидаги ер кўтармаси сифатини назорат килиш. Грунтларни зичлаш. Ер полотносини пардоzlаш ва мустахкамлаш ишлари. Ер полотноси курилишида бургулаш портлатиш ишлари. Қишлоғонларидан ташкиллаштириш. Темир йўллар курилишини ташкиллаштириш. Темир йўллар курилиши ташкилини рационал лойиҳалаштириш асослари. Темир йўллар курилиши турлари ва ишлар комплекси. Ишлар даври ва турлари. Лойиҳалаштириш боскичлари. Курилиши ташкиллаштириш пудрат ва хўжалик усуллари. Курилиши оқим ташкил қилиш. Ишлаб чиқариш режаларини тузишда моделлаштириш. Тармоқли графикларни хисоблаш. Техник ва тариф меъёrlаш. Курилишда меъёrlар турлари. Курилишнинг тайёргарлик тизими. Курилишга инженерлик - ишлаб чиқарув тайёргарлик. Курилиши ташкиллаштириш лойиҳаси таркиби ва мазмуни. Ишлари ишлаб чиқариш лойиҳаси. Асосий давр ишларини ташкиллаштириш. Поездларни ишчи харакати, йўлдан вақтнинчалик фойдаланиш, дойимий фойдаланишга топшириш. Иккинчи йўллар курилиши ва темир йўл линиясини кучайтириш ишларини ташкиллаштириш. Курилиши ташкил қилишини автоматик лойиҳалаш. Темир йўлларни лойиҳалаш ва куришда атроф муҳитни муҳофаза қилиш.

7.5.3.9. Тез юарар ва юкори тезликдаги магистраллар транспорт иншоотларини эксплуатацияси

Ўзбекистон Республикаси темир йўлларида тезюарар ва юкори тезликда харакатни ташкил қилиш тадбирлари ва уларнинг асосий вазифалари. Тезюарар ва юкори тезликдаги харакатланувчи магистралларнинг темир йўл изи меъёрий базаси, лойиҳалаш учун техник шароитлари. Тезюарар ва юкори тезликдаги харакатланувчи магистралларнинг чет эл давлатларидаги тажрибаси. Тезюарар ва юкори тезликда харакатланувчи магистралларида транспорт иншоотларининг эксплуатациясига кўйиладиган талаблар. Йўлнинг устки тузилиши. Тезюарар ва юкори тезликда харакатланувчи магистрал участкаларида сунъий иншоотларга кўйиладиган асосий талаблар. Тезюарар юкори тезликда харакатланувчи магистрал линияларида сунъий иншоотлардан фойдаланиш, тезюарар ва юкори тезликда харакатланувчи магистрал линияларида сунъий иншоотларэксплуатациясиининг ўзига хос хусусиятлари. Балласт коритаси плитасидаги зўрикиш ва кучланишларни аниқлашда тезюарар ва юкори тезликда харакатланувчи линиялардаги поездларнинг ҳаракатини хисобга олиш. Тезюарар ва юкори тезликда харакатланувчи магистрал участкаларда транспорт иншоатларининг эксплуатацияси ва уларни жайта тиклашнинг асосий ўзига хос хусусиятлари.

7.5.3.10. Кўприклар ва тоннеллар

Темир йўллардаги кўприклар, тоннеллар, кувурлар ва бошқа сунъий иншоотлар ҳақида умумий маълумотлар. Сунъий иншоотларга таъсир этаётган меъёрий ва хисобий юклар, уларнинг элементларини чегаравий ҳолатлар бўйича хисоблашнинг асосий қоидалари. Темирбетон ва металл кўприклар, уларнинг асосий тизимлари, кўллаш соҳаси, материаллари. Оддий ва олдиндан зўриктирилган арматурали темирбетон кўприкларнинг конструкцияси. Металл кўприкларнинг оралиқ курилмаларининг конструкцияси. Арада тизимли темирбетон ва металл кўприклар конструкцияси. Темир йўл кўприкларнинг унификацияланган, туркумлаштирилган оралиқ курилмалари. Темир бетон ва металл кўприклар оралиқ курилмаларини хисоблаш ва лойиҳалаш, уларни конструкциялаш, замонавий дастурий воситалар (autocad, Archicad, SCAD, LIRA ва х.к.) ёрдамида темирбетон кўпrik конструкцияларини хисоблаш, лойиҳалаш. Ўрта ва четки таянчлар, уларнинг конструкцияси, таянч қисмлари. Темир йўл кўприкларнинг унификацияланган, туркумлаштирилган таянчлари ва ёрдамчи курилмалари. Таянчларнинг хисоби. Тоннеллар конструкцияси, тоннелларда гидроизоляция ва сув кочириш курилмалари, тоннелларни шамоллатиш усувлари, тоннелларга таъсир этаётган ташки кучлар, тоннел қобигини лойиҳалаш ва хисоблаш. Темир йўллардаги тош, бетон, темирбетон ва металл кувурлар турлари, конструкциялари, сув ўтказгич кувурларни хисоблаш ва лойиҳалаш. Темирбетон ва металл кўприкларнинг таянчларини куриш, темирбетон ва металл оралиқ курилмаларни тайёрлаш ва монтаж қилиш, темир ва автомобил йўлларидаги тоннеллар ва

кувурларни куриш.

7.5.3.11. Темир йўл бекатлари ва узеллари

Темир йўл ажратиш пунктларини таснифлаш. Стрелкали кўчалар, уларнинг тавсифи ва кўллаш шароитлари. Стрелкали кўчаларни хисоблаш ва лойихалаш. Станция йўлларига чегара козикчалари, кириш ва чикиш сигналларини кўйиш ва уларни хисоблаш, йўлларнинг тўлик, фойдали ва курилиш узунлигини топиш. Йўллар парклари, уларнинг вазифаси, турлари ва лойихалаш асослари. Развездлар ва кувиб ўтиш пунктлари. Оралик бекатларнинг вазифаси, уларда бажариладиган асосий технологик жараёнлар ва ишшоотлари. Янги ва мавжуд тармокларда оралик бекатларнинг жойлашуви, маҳаллий юк ишларини кам сонли оралик бекатларида жамлашнинг афзалликлари. Таюн станцияларнинг аҳамияти. Участка бекатлари вазифаси, уларнинг темир йўлларда жойлашиш асослари, электрлаштирилган ва тепловозлар тортувидаги йўлларда участка бекатларнинг турлари ва тавсифи. Участка бекатларда бажариладиган ишлар ва асосий ишшоотлари, уларнинг станцияда жойлашиш тамойиллари.. Участка бекатларининг йўловчи, юк ва саралаш курилмалари, йўловчи бинолари, платформалар, хар хил даражадаги ўтиш йўллари. Йўллар, йўловчи бинолари ва платформаларнинг ўзаро жойлашуви. Тезкор харакат йўлларида йўловчи платформаларнинг жойлашуви. Участка бекатларида локомотив ва вагон хўжаликлари, электр таъминоти, автоматика телемеханика ва алоқа таъминоти, сув таъминоти курилмаларининг, ашёвий омборхоналарининг жойлашуви. Саралаш бекатларнинг вазифаси, асосий жараёнлари, тузилиши ва технологияси асослари. Саралаш бекатларнинг таснифи, вазифаси ва мавзеи бўйича, саралаш воситалари тури. Жиҳозланиши бўйича, саралаш комплектлари сони бўйича, асосий паркларининг жойлашуви бўйича таснифланиши. Ўта катта, катта, ўрта ва кичик кувватли саралаш тепаликлари, уларнинг тузилиши ва ишлаши. Бир томонли сурункали кияликда жойлашган саралаш ишшоотлари. Саралаш тепалиги баландлигини хисоблашда секинлаттич-тезлаттичларнинг кўлланиши ва уларни ўрнатишни хисобга олиш. Саралаш бекатларининг йўл тармоғи, курилмалари, уларнинг иши ва лойихалаштирилиши. Йўловчи бекатларининг йўл тармоғи, курилмалари, уларнинг иши ва лойихалаштирилиши. Юк бекатлари. Умумий фойдаланишдаги, шаҳобча йўлларга хизмат кўрсатувчи, қайта юковчи, ихтисослашган темир йўл ва транспорти.

7.5.3.12. Суюклик ва газ меҳаникаси

Гидростатиканинг асосий тушунчалари. Гидростатик босим ва унинг хусусиятлари. Эйлер дифференциал тенгламаси. Гидростатика асосий тенгламаси. Текис ва нотекис сиртларга суюклик босими ва кучи. Гидродинамика асосий масаласи. Суюкликтининг реал ва идея оқими учун Д.Бернулли тенгламаси. Тенглама хадларининг геометрик ва энергетик мъянолари. Суюклик харакат тартиблари. Ламинар ва турбулент оқимларнинг хусусиятлари. Суюклик харакатида йўқолган дамларни аниқлаш. Суюкликтининг текис харакати асосий тенгламаси. Пуазейл ифодаси. Ички, сирти силлиқ ва ғадир-будир бўлган кувурлар. Вейсбах ва Дарси-Вейсбах ифодалари. Кувурлардаги гидравлик ишқаланиш коэффициентлари. Никиурдзе графиги. Суюкликтининг харакати давомида узунлиги ва маҳаллий қаршиликларда дамларнинг йўқолиши. Шези ва Борда ифодалари. Дамли кувурларда харакатларнинг шаклланиши. Оддий ва мураккаб, калта ва узун кувурларни гидравлик хисоблаш. Унда ҳосил бўладиган гидравлик зарба ва тўлкин тарқалиш тезликларини аниқлаш. Юпка девордаги кичик тешикча ва қўндиригичлардан доимий босим таъсирида суюкликтининг оқиб чиқиши.

7.5.3.13. Темир йўл изини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш

Йўл хўжалигини юритиш тизимини такомиллаштириш. Машина ва автоматлаштирилган тизимларини самарали кўллаган холда ишларини бажариш технологияларини ишлаб чиқиш. Поездлар харакати хавфсизлиги ва атроф мухит муҳофазаси талабларини таъминлаш. Йўл ишларининг технологияси, механизацияси асосий коидалари. Йўлни жорий сақлаш ва тамирлаш учун керакли машина ва механизmlар, уларни синлаш, вазифаси ва тузилиши. Йўл ишлаб чиқариш

технологик жараёнларини яратиш. Технологик жараёнларини ишлаб чиқишида техник месрларидан фойдаланиш. Йўлни жорий саклаш ва таъмиглаш технологияси. Йўлни янгилаш ва капитал таъмиглаш турлари. Асосий ишларни ишлаб чиқиши графигини тузиш. Тайёрлов ва пардозлаш ишларини ишлаб чиқариш технологик жараёнларини лойихалаштириш. Йўл ишларини бажаришида перегонларни ёпиш ва ишлаб чиқариш жойларини чегаралаш тартиби. Темир йўлни жорий саклашни ташкил этиш ва режалаштириш. Йўлни жорий саклаш ишларини бажаришида ишчилар контингентини хисоблаш. Темир йўлни кум ва кор уюмларидан химоя килишини ташкиллаштириш.

7.5.3.14. Метрология, стандартлаштириш ва сифат назорати

Метрология соҳаси бўйича – метрология масалалари. Метрологик таъминотнинг асосий тушунчалари, мақсад ва вазифалари. Метрология хизмати фаолияти. Курилиш сифати бўйича техник месрлар. Ўзбекистон Республикаси метрология тўғрисидаги конуни. Метрологик таъминотнинг меъёрий базаси. Физик катталиклар. Халқаро бирликлар тизими. Физик катталикларни ўлчаш. Ўлчаш турлари ва усулларини туркумлаш. Ўлчаш хатоликлари. Кузатиш натижаларини қайта ишлаш. Метрологик таъминотнинг техник базаси. Ўлчаш воситалари. Босқичлар намунавий ва ишчи ўлчаш воситалари. Ўлчаш воситаларининг метрологик тавсифлари. Ўзбекистон Республикаси метрология хизмати. Ўлчаш воситаларини текшириш. Техник хужожатларнинг метрологик экспертизаси. Стандартлаштириш асослари бўйича – стандартлаштиришнинг мақсад ва вазифалари. Стандартлаштириш турлари ва услублари. Стандартларнинг тур ва тоифалари. Стандартлаштириш хизмати ва органлари. Стандартлаштириш бўйича ахборот хизматини ташкиллаштириш. Ўзаро алмашувчаник. Бирхиллаштириш систематизация туркумлаштириш. Халқаро ИСО стандартлари ва уларнинг қўллаш тартиби. Стандартлаштиришдаги асосий атамалар. Махсулот ва товарни кодлаш. Махсулотни сертификатлаш ва аттестациядан ўтказиш. Сифат назорат тизими. Курилиш ташкилотидаги метрология хизмати, курилиш махсулотини сифат назорати ва метрология бўйича кадрлар тайёрлаш.

7.5.3.15. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги

Инсоннинг меҳнат фаолияти ва дам олиш зоналарида яшаш мухитига кўрсатилувчи меъёрий ва сифат талаблари. Курилишдаги меҳнат фаолиятининг муҳофазаси бўйича конуний асослар ва хукукий қоидалар. Меҳнат фаолияти муҳофазасининг меъёрий асослари. Курилишда баҳтсиз ходисалар сабабларини хисобга олиш ва текшириш. Хавфсизлик техникаси бўйича тадбирларни ишлаб чиқиши қоидалари. Бино ва иншоотларнинг курилишда ишларни бажариш ва ташкиллаштириш лойихалари таркибида кўзда тутилувчи хавфсизлик техникаси бўйича чора ва тадбирлар. Ҳавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларидан ишчиларни якка тартибда ва колектив химоялаш воситалари. Ер казиши ва электромонтаж ишларини бажаришда жароҳатланиш холатларининг олдини олиш. Электр токи таъсиридан химояланиш усуллари. Босим остидаги ишларни бажаришда жароҳатланиш холатларининг олдини олиш. Бино ва иншоотлар курилишида ёниш ва портлаш ҳавфи муаммолари, бинолар курилмаларининг ёнгинги бардошлилиги. Курилмаларининг ёнгинги бардошлилигини хисоблаш, курилишда ёнгиннинг олдини олиш. Саноат корхоналари ва аҳоли яшаш жойларининг бош тарҳларида ёнгинги карши хавфсизлик чора-тадбирлари. Портлаш ҳавфи эҳтимоли мавжуд бўлган саноат биноларининг химояланиши. Ёнгинни ўчириш усуллари ва воситалари. Ўзбекистонда ёнгиндан сакланиш чора-тадбирлари ва хизматининг ташкил килиниши.

7.5.3.16. Тармоқ иктисодиёти ва менеджменти

Курилиш ва монтаж ишларини бошқариш. Курилиш махсулоти. Курилиш махсулотини яратиш ва сотиш. Курилишнинг ўзига хослиги. Курилишда ишларни ташкил килишининг услублари. Эркин бозор шароитида менеджментнинг асосий мақсади ва вазифалари. Менеджмент назариясининг шаклланиши ва ривожланиши. Бошқариш усуллари ва функциялари. Бошқаришнинг ташкилий тузилмачаси ва кўринишлари.

